ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

БЕКОБОД—ЮБИЛЕЙГА!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 84 (3566). | Жума, 28 апрель 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.



Суратда: Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводининг пешқадам пўлат қуювчиларидан (чапдан ўнгга) М. Ёдгоров, А. Тошпўлатов, Н. Закутский, А. Кандрашин ўртоқлар.

ФАРҲОДЛАР ОДИМИ

БЕКОБОД! Улуғ Октябрь қуёши балқиб, инсонлар бахт-саодатнинг нурафшон йўлидан бардам одим ташлай бошлаганларидан кейингина бу ном ўзига яраша ободлик, файз, сайқал топабошлади. Қадим дашт-биёбонлар ўрнида кўркам қишлоқлар, боғ-бўстонлар, пахтазор водилар бунёдга келди. Партия ва ҳукуматимизнинг бекиёс оталарча ғамхўрлигидан баҳраманд бўлган кишилар Бекободнинг йирик саноат шаҳрига, битмас-туганмас «оқ олтин» хазинасига айлантириш учун астойдил бел боғладилар. Ўша вақтлардаёқ улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин ҳайрли иш учун қурашга отланган марду-майдонларга қанот бағишлади. Уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришдек олижаноб мақсад билан тарихий декретга қўл қўйди. **Бекободда тўнғич саноат даргоҳи — улкан цемент комбинати қад кўтарди. Бу комбинат Мирзачўл ва Бекобод воҳасида улкан ва гигант қурилишлар учун, муҳташам турар-жой бинолари бунёд этиш учун энг зарур қимматли хом ашё етказиб берадиган корхона бўлиб, Бекободнинг фахрига айланди.**

Қаерга инсон қадами етса, аввало оби-ҳаёт ҳамда ўйлачди, қаерда оби-ҳаёт бўлса, ана шу ер чинакам гулистонга айланади. Бекободликлар бундан роса ўттиз йил илгари Далварзин каналини қазиб, Сирдарё сувини даштга томон буришдек эл-юрт орзусини рўёбга чиқардилар. Бу каналдан оқкан сув эндиликда Бекободнинг қариб 30 минг гектар экинзорига ҳаёт бахш этмоқда.

УЛУҒ ВАТАН урушининг даҳшатли кунларида бутун республикамиз оёққа қалқиб, Бекободда улуғ ишга бардамлик билан, ҳамжиҳатлик ва мардонаворлик билан, дўстлик ва биродарлик туйғуларини қалбларига жо қилганлари ҳолда қадам қўйдилар. Чинакам фарҳодлар, жасоратли, ўтюракли кишилар ана шу қурашда туғилдилар. Жонажон, шавкатли армиямизга мадад қўлларини чўзган Самарқанд ва бухороликлар, Қашқадарё ва сурхондарёликлар, Фарғона ва андижонликлар, Тошкент ва хоразмликлар — кардош республикалардан келган жонқуяр мададкорлар, ҳамма бир тану, бир жон бўлиб, урушнинг оғир, машаққатларини тик туриб енгиб, Фарҳод каналини қазишга, қудратли ГЭС бунёд этиб, нур оқизишга, серкуёш диёримизнинг фахри ва юраги бўлган Ленин номли металлургия заводини қуришга отландилар. Орадан кўп ўтмаёқ, металлургия заводи пўлат, прокат бера бошлади. Фарҳод ГЭСидан ўлка бўйлаб Ильич нури бетинним оқди. Канал сувлари асрлар бўйи қақраб ётган чўллар бағрига сингиб, ундан хазина қулфини очди-да, юрак қўйларини, пешона терларини тўккан меҳнаткаш, жафокаш кишиларга ўз бойлигини армуғон этди.

Мана, жонажон Совет ҳокимиятимизнинг эллик йиллик юбилей тўйи тобора яқинлашиб келмоқда. Шу кунларда бутунги Бекободнинг етук жамолига, қудратли камолига боқсангиз, бу шаҳар нақадар гуркираб-яшнаётганлигини, кундан-кунга обод бўлиб сайқал топаётганлигини, суви гавҳар тупроғи олтин бўстонга айланаётганлигини кўриб, дилингиз хушнуд тоғади. Кишиларнинг ўз ҳалол меҳнатлари завод шаванин суриб, фароғон ҳаёт кечираётганликларини кўриб қувончга тўласиз.

Бекободда шу ўтган қисқа йиллар ичида «Цемремонт» заводи, гишт заводлари, темирбетон буюмлари заводи, кўша-кўш пахта заводлари, гўшт комбинати ва нон заводлари, улкан-улкан қурилиш объектлари бутун салобати билан қад кўтарди. Чинакам маданий ҳаёт бу ерда ўз ифодасини тоғди. Пахта майдонлари кенгайди, боғларга боғ, ғаллазорларга ғаллазор, зумрад яйловларга яйлов қўшилди. Коллектив хўжаликлар, совхозлар ўзларининг отар-отар қўйларига, пода-пода молига эга бўлдилар.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ йилларида ана шундай юксалишга эришган бекободликлар юбилей йилини янгидан-янги меҳнат зафарлари билан, улкан тўёналар билан нишонлаш мақсадида ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, меҳнат вахтасида турибишламоқдалар. Пўлат қуювчилар, цементчилар, энергетиклар, пахтакорлар, чорвадорлар, ғаллакор ва сохибкорлар, пиллачилар — ҳамма-ҳамманинг фикри-ёди коммунизмнинг моддий-техника бойликларини ҳар қачонгидан ҳам кўпайтиришга қаратилган.

Шаҳар саноатчиларининг юбилей йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари жуда ҳам юксак. Металлургия орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ҳафиз Ғаниев, Саид Нуриддинов, улар изидан бораётган Анвар Тошпўлатов, Баннон Мирзаматов, Алн Аҳмев, Петр Словинский сингари мартен печлари оловида тобланган жасур кишилар бор. Цементчилар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Фармонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Шермамат Мелиев, Зиё Мусаев, Жаъфар Отауллаевлар номини фахр ва ифтиҳор билан тилга оладилар. Салимжон Мурдалиев, Мурод Алиев, Исроил Мирзахолов, Мамадали Ҳасанов сингари элга нур тараташаётганлар номи бекободликлар дилидан чуқур ўрин олган. Саноатчилар ана шулардай пўлат сафларда турган минг-минглаб ўғил-қизларига суянганлари ҳолда, юбилей вахтасида жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Шаҳар саноатчилари ўз ички имкониятларини ҳисобга олиб, юбилей йилида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 25 декабргача бажариш, қолган кунлар ичида планга қўшимча 1 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилганлар. Улар юбилейга пландан ташқари бир неча минг тоннадан пўлат ва прокат, 8000 тонна цемент, 20 шартли километр асбоцемент трубалари, 300 минг плита шартли шифер, 3 миллион киловатт-соат электр қуввати, 100 кубометр йиғма темир-бетон, 600 минг дона ғишт, 200 тонна пахта толаси, 2000 кубометр темир-бетон буюмлари тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Шаҳар саноати корхоналарининг коллективлари ишлаб чиқаришнинг барча техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш режаларини ҳам тузишган. Ана шуларни амалга ошириш йўли билангина меҳнат унумдорлигини 6 процентга кўтариш, маҳсулот таннархини эса анча арзонлаштириш, қўшимча юзларча минг сўмлик жамғарма олиш имконияти туғилади.

Республика фахри В. И. Ленин номидаги металлургия заводи пўлат эритувчилари, прокатчилари йиллик планни муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулот беришмоқчи. Меҳнат унумдорлиги 1,1 процент ошади. Пландан ташқари тайёрланган пўлат янги Тошкентни бунёд этаётганларга етказиб берилди. Металлургларга тайёрланаётган маҳсулот таннархини камайтириш эвазига пландагидан ташқари 22 минг сўмлик маблағ тежаб қоладилар.

Бекобод цемент комбинати коллективининг юбилей йили мажбуриятн ҳам юксакдир. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йил давомида топшириқдагига қўшимча 8 минг тонна цемент, 2000 тонна клинкер, 1000 тонна оҳак, кўплаб асбоцемент трубалари ва шиферлари ишлаб чиқариб, Тошкент қурувчиларига мадад берадилар. Меҳнат унумдорлиги 1 процент ошади, цемент сифати яхшиланади, маҳсулот таннархи пландагига қараганда ярим процент арзонлашади. Ёқилғи ва электр қуввати сарфлаш нормаларини камайтириш ҳисобига 400 минг кубометр табиий газ, 200 минг киловатт-соат энергия тежаб қолинади.

«Цемремонт» заводи коллективи планга қўшимча 80 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш, меҳнат унумдорлигини 0,4 процент ошириш, ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун маблағ сарфлашни 0,2 тийиндан камайтириб, шунинг эвазига қўшимча 6 минг сўмлик фойда олиш учун курашмоқда.

ФАРҲОД ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ энергетиклари ҳам юбилей олди социалистик мусобақасида актив иштирок этмоқдалар. Улар мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланишни янада яхшилаш эвазига қўшимча 35 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашмоқчи. Шаҳардаги барча саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари ҳам юбилей йилида ўз олдиларига катта мақсадлар қўйиб, улкан режаларни амалга ошириш учун меҳнат вахтасида турибдилар.

(Охири иккинчи бетда)

КАРЛОВИ ВАРИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ ТУГАДИ

КАРЛОВИ ВАРИ, 26 апрель. (ТАСС). Бугун Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Европа хавфсизлиги масалаларига бағишланган конференциясида умумий мунозара давом этди.

Мажлисларда Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Вальтер Ульбрихт, Финляндия Коммунистик партиясининг Бош секретари Вилле Песси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари Луижи Лонго ўртоқлар раислик қилдилар.

Умумий мунозарада Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари Луижи Лонго, Ирландия Ишчи партиясининг Бош секретари Майкл Орирден, Португалия Коммунистик партиясининг Бош секретари Алваро Куньял ва Сан-марино Коммунистик партиясининг Бош секретари Эрменжильдо Гасперони ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Конференцияда Швеция Коммунистик партиясининг вакили Фритьоф Лагерь ҳам сўзга чиқди.

Мажлиснинг Л. И. Брежнев раислик қилган қисмида конференция ҳужжатларининг текстлари — «Европада тинчлик ва хавфсизлик учун» деган баёнот ҳамда якунловчи ахборот текстлари якдиллик билан маъқулланди. Шундан сўнг КПСС Марказий Комитетининг бош секретари Л. И. Брежнев қисқа нутқ сўзлаб, бундай деди:

Ҳурматли ўртоқлар! Қадрдон партияларнинг раҳбарлари ўзларининг нутқларида бизнинг конференциямиз ажойиб бир вақтда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги арафасида тўпланганлигини айтиб ўтишди.

Мен шуни айтмоқчиманки, СССРда байрам тадбирларини ташкил этишга тайёргарлик кўриб, бу тадбирларнинг интернационализм руҳи билан сугорилиши учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз. Чунки Октябрь ва Ленин бутун инсониятникидир. Октябрнинг 50 йиллиги фақат Маркс—Ленин таълимотининг ва мамлакатимизда пролетар революцияси ишининг тантанаси шиори остидагина байрам қилиниб қолмасдан, шу билан бирга пролетар бирдамлиги, барча революцион кучларнинг бирлиги шиори остида ҳам байрам қилинади.

Кези келгандан фойдаланиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Совет ҳукумати номидан ва уларнинг топшириғига биноан, қадрдон партияларнинг шу ерда ҳозир бўлган ҳамма вакилларини Октябрь революциясининг ярим асрлик юбилейи байрамида қатнашмоқ учун Москвага делегациялар юборишга таклиф қилмоқчиман. Давлатимиз, партиямиз учун, халқимиз учун катта байрам бўлган Октябрь 50 йиллигида биз билан бирга қатнашсангиз, партиямиз, совет халқи сизлардан миннатдор бўлажаклар, ўртоқлар.

Кунинг иккинчи ярмида коммунистик ва ишчи партиялар делегацияларининг раҳбарлари баёнотга имзо чекишди.

Конференцияда Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари Луижи Лонго якунловчи нутқ сўзлади.

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК УЧУН

(КАРЛОВИ ВАРИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯДА ҚАТНАШГАН ЕВРОПА КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИНИНГ БАЁНОТИ)

Биз, Европа Коммунистик ва ишчи партияларининг Карлови Вари да тўпланган вакиллари халқларимизнинг келажаги ҳамда халқаро ишчилар синфининг иши учун зиммамизга тушган масъулиятни англаб, тинчликни сақлаб қолишни қитъамиздаги ҳамма халқлар учун энг муҳим масала, деб ҳисоблаймиз, дейилади Карлови Вардаги Европа Коммунистик ва ишчи партиялари конференциясининг баёнотида.

Жаҳон уруши муқаррар бир нарса эмас, жаҳон социалистик ҳамдўстлиги, халқаро ишчилар синфи, миллий озодлик ҳаракати, урушга қарши чиқаётган барча давлатлар, барча тинчликсевар кучлар биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, жаҳон урушининг олдини олиши мумкин, деб коммунистлар айтиб келаётган тезисининг тўғрилигини кейинги йилларнинг тажрибаси исботлади. Бу кучлар анча ўсди. Лекин айни вақтда Америка империализмининг агрессивлиги ҳам кучайди.

Агрессия ва реакциянинг бош кучи бўлган Қўшма Штатлар тарихнинг боришини орқага буришга ва халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқини йўқ қилиб ташлашга уринмоқда. Қўшма Штатлар Латин Америкаси, Осиё ва Африка давлатларининг ички ишларига қўпол равишда аралашмоқда. Вьетнам халқига қарши ваҳшиёна агрессив урушни кенгайтирмоқда, ҳозирги кунда бу уруш бутун дунёда тинчлик учун энг жиддий хавф бўлиб қолди.

Бундай вазиятда Европада империализм кучларига қарши кураш айниқса катта аҳамият касб этмоқда.

Икки марта жаҳон урушини бошидан кечирган Европа ҳаловатсиз район бўлиб қолаётир, дейилади баёнотда. Бу қитъада империалистик лагернинг ва социалистик ҳамдўстликнинг асосий кучлари бир-бирига қарама-қарши бўлиб турибди, дейилади баёнотда. Улар ўртасида қуролли можаро бошланса, бу можаро ялпи ядро урушига айланиб кетиши мумкин.

Империалистлар Германия Федератив Республикасини қайта қуроллантириб ва унинг бутун Германия номидан вакиллик қиламан, деган ғайри-қонуний даъволарини қувватлаб, унга олдинга чиқариб қўйилган антикоммунистик қалъа ролини бериб қўйдилар, бунинг натижасида у кескинлик манбан бўлиб колди ҳамда тинчликка ва бутун Европа хавфсизлигига таҳдид солиб турибди. Германия Федератив Республикасида Германия Коммунистик партиясининг фаолияти таъқиқлаб қўйилди, бошқа демократик ва тинчликсевар ташкилотлар эса таъқиб қилинмоқда. Айни вақтда ашаддий реакцион ва янги фашист кучларнинг ҳаракати учун майдон очиб берилди. Бу кучларнинг ўсиб бораётган таъсири Европа жамоатчилигини ғолт ташвишга солмоқда. Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини изчиллик билан амалга ошириб келаётган социалистик мамлакатларнинг актив ташқи сиёсати империализмнинг агрессив йўлига путур етказди. Социалистик давлатларнинг аввало, Совет Иттифоқининг техникадаги ва фандаги мувафқиятларига таянаётган бирлашган мудофаа қуввати уруш йўлига ғов солмоқда.

Германия Демократик Республикаси Потсдам битимларини амалга ошириб, ўзининг давлат суверенитетини ва ўзининг халқаро мавқеини мустаҳкамлаб олди, дейилади сўнгра баёнотда. Германия Демократик Республикасини тан олиш ва унинг суверен ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Европа хавфсизлиги учун қурашнинг асосий воситаларидан бири бўлиб қолди.

(Давоми иккинчи бетда)

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ КАРЛОВИ ВАРИДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КАРЛОВИ ВАРИ, 27 апрель. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси кеча Карлови Варидан жўнаб кетди. Делегация Европа Коммунистик ва ишчи партияларининг Европада хавфсизлик масалаларига бағишланган конференциясида иштирок этган эди.

Карлови Варидаги вокзалда КПСС делегациясини Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Новотний, Чехословакия Компартияси Марказий Комитети президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари И. Гендрих, Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Коуцкий ва Чехословакия Компартиясининг бошқа раҳбар арбоблари кузатиб қолдилар. Шунингдек делегацияни СССРнинг Чехословакиядаги элчиси С. В. Червоненко кузатиб қолди.

ЎЗБЕКИСТОН ИНДУСТРИЯСИ ТЎРТ ОЙЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ

Ўзбекистон саноати ходимлари Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, ялпи маҳсулот ва энг муҳим буюм турларини ишлаб чиқариш бўйича 1967 йил тўрт ойлик планини муддатидан илгари 26 апрелда бажардилар.

1 майгача пландан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ИЛРОР САВЗАВОТКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети эртаги сабзавот экинлари экиш планини бажаришнинг 1 апрелга бўлган натижаларини кўриб чиқдилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳамда республика Министрлар Советининг кўчма Қизил Байроқларини **Сурхондарё областига,** Тошкент областининг **Калинин районига,** Тошкент область, Калинин районидаги **«Қорасув» совхозига,** Самарқанд районидаги **«Москва» колхозига** беришга қарор қилдилар.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ районидаги 1-«Оҳангарон» совхози ва Наманган районидаги Тельман номли колхозининг кўчатлар етиштириш ҳамда эртаги сабзавот экинлари экиш планини бажариш соҳасида яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Суратда: Дзержинский номли колхозда сўнгги гектар ерларга чигит экилаётган пайт.

А. Абалин фотолари.

ФАРҲОДЛАР ОДИМИ

(Боши биринчи бетда)

Йил давомида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, саноат корхоналари қувватларидан тўлароқ фойдаланишни таъминлашга қаратилган ўнлаб тадбирлар кўрилади. 600 га яқин рационализаторлик таклифлари жорий этилади. Ўзбекистон металлургия заводи, цемент комбинати, «Церемонт» заводи, темир-бетон конструкциялари заводларида бир қатор янги қувватлар ишга туширилади, мавжудлари қайта реконструкция қилинади, маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси муттасил такомиллаштириб борилади. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши шаҳар саноат корхоналарида халқ хўжалиги учун зарур бўлган хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан берилган топшириқлари муваффақиятли бажариш имкониятини беради.

Юбилей йилида шаҳар триспортчилари ҳам юксак социалистик мажбурият асосида ишламоқдалар. Улар юк ташиш йиллик планини 25 декабргача бажариш, топшириқдагидан ташқари 300 минг тонна юкни белгиланган манзилларга етказиб бериш, транспорт ташкилотларида автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициентини 0.70 процентга етказиш учун курашмоқдалар.

ШАҲАР БИНОКОРЛАРИ ишлаб чиқариш объектлари, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар қурилиши юзасидан белгиланган йиллик планни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилганлар. Улар қурилиш-монтаж ишлари планини 20 декабргача, уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини 10 декабргача бажармоқчилар. Шаҳарни янада обод ва кўркам қилиш йўлида бошлаган курашнинг ташаббускорлари бўлмоқдалар.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, шаҳар водопровод ва канализация тармоқларини, хонадонлар ва кўчаларни электрлаштиришни кенгайтириш, алоқа ва савдо хизмати маданиятини янада юксалтириш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилади.

Бекобод саноат корхоналарининг коллективлари, барча меҳнаткашлари улкан юбилей йилини меҳнатда катта зафарлар билан якунлаш мақсадида Чирчиқ шаҳар меҳнаткашлари билан социалистик мусобақани янада кенгайтиришга қарор қилдилар.

БЕКОБОД РАЙОН қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди, партиямиз Марказий Комитети Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираборишга, ишчи катиҳаларни қўлга киритмоқдалар. Хўжаликларда ернинг қадрига етилмоқда, механизациядан самарали фойдаланилмоқда. Фан ютуқлари, илғорлар тажрибаси, янгиликлар ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этилмоқда. Хўжаликлар кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган ишнинг кўзини биладиган механизацияни дўст деб билган малакали раҳбар кадрлар билан мустаҳкамланиб борянти. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда район колхоз ва совхозларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда. Эндиликда Бекободнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдубашор Усмонов, унинг издошлари Адолат Рўзиматова, Юрий Кузиков, Қўшоқ Эгамбердиев, Икром Сидиқалиев, Мирзаалим Тошпўлатов сингари ўнлаб, юзлаб уста пахтакорлари бор. «Оқ олтин» ишқида ёнган, далаларда ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатиб, пахта хосилдорлигини ошириш, машина теримини кенг жорий қилиш йўлида жонбозлик кўрсатаётган ўнлаб қизлари бор.

Ана шу фидокор кишилар ўтган йили дуч келган об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, Бекободнинг «машҳур» бўронли шамолларига кўкрак кериб, даладарда астойдил ишлашди. Она-Ватанга 45 минг 342 тонна, планда белгиланганидан 2 минг 792 тонна кўп «оқ олтин» етказиб берилди. 4 минг 765 тонна ёки планда белгиланганидан 955 тонна кўп ғалла тортиб қилинди. Ҳаммадан қувонарлиги шу бўлдики, дала гвардиячилари—аламат механизаторлар 21 минг 600 тонна пахтани машиналар ёрдамида териб беришди. Йиллик план 28 октябрда бажарилди. Ленин номли колхознинг 3, 4-участкаларида, «Победа» колхозининг 3-участкасида, Навоий номли колхознинг 5-участкасида гектаридан олинган ҳосил Бекобод ерлари шароитида 25—30 центнерданга етди. 1-«Далварзин» совхозининг 6-бўлими, 2-«Далварзин» совхозининг 7-бўлими, «Чаноқ» совхозининг 3-бўлими пахтакорлари ҳам ҳар йилгидан кўра баракали хирмон кўтардилар.

Район қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эришилган ана шу ютуқларни мустаҳкамлаш, Совет ҳокимияти барпо этилганига эллик йил тўладиган шодиёна кунни улкан меҳнат зафарлари билан нишонлаш мақсадида ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар.

Бу йил бекободликлар она-Ватанга 45 минг 150 тонна «оқ олтин» етказиб берадилар. Бунинг учун 8500 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш, 18 минг гектар ердаги ғўзага икки томонлама ишлов бериш, 3000 гектар майдондаги ғўзани механизмлар ёрдамида чеканка қилиш, 18 минг гектар ерда дефолиация ўтказиш планлаштирилди. Бу йил терим машиналаридан янада унумли фойдаланилади. Ялпи ҳосилнинг 23 минг 300 тоннаси «зангори кема»лар ёрдамида терилади.

Деҳқонлар ернинг унумдорлигини ошириш мақсадида алмашлаб экишни кенг йўлга қўядилар. Беда майдони 4 минг 387 гектарга етказилади. Шундан бу йил 1 минг 244 гектари бедазор қилинади. Бедапояларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олинади. Беда уруғи олиш 47,4 тоннага етказилади.

ҒАЛЛАКОРЛАР юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам юксак мажбурият олганлар. Улар ялпи ғалла етиштиришни 12 минг 400 тоннага етказиш, гектаридан 27 центнердан жами 6187 тонна шоли олиш учун курашмоқдалар.

ЧОРВАДОРЛАР бу йил 907 тонна гўшт, 3455 тонна сут, 720 минг дона тухум етиштириб, шундан давлатга 890 тонна гўшт, 2910 тонна сут, 703 минг дона тухум, шунингдек 29 тонна жун, 104 тонна пилла етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бунинг учун қорамолларнинг ўртача тирик вазнини 250 килограммданга, чўчқаларнинг ўртача оғирлигини 95, қўйлар вазнини 45 килограммданга етказиб, ҳар юз сигирдан 85 тадан бузоқ, ҳар юз совлиқдан 95 тадан қўзи, ҳар она чўчқадан 20 тадан бола олинади. Ҳар бир сигирдан олинадиган сут 1600 килограммданга тўғри келади.

Бу йил сабзавоткор ва соҳибкорларнинг ҳам ҳимматлари баланд. Улар аҳолига мўлкўл ноз-неъмат етказиб бериш, дастурхонимизни тўкин-сочин қилиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқдалар. Юбилей йилида 5841 тонна сабзавот, 1853 тонна картошка, 8077 тонна полиз маҳсулотлари, 1008 тонна мева, 274 тонна узум етиштирилади.

Район қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш ортиқча харажатларга йўл қўймаслик мақсадида ўтган йилга нисбатан меҳнат унумдорлигини колхозларда 10 процент, совхозларда 11 процент ошириш, шу йўл билан бир центнер пахта таннархини 6 процент камайтириш, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари таннархини 5 процент, шоли таннархини 15, гўшт ва сут таннархини 10 процент камайтиришга қарор қилдилар.

Райондаги саноат, транспорт ва алоқа корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам юбилей вахтасида туриб ишламоқдалар. Улар юбилей йили топшириқларини 25 декабргача бажариш, пландан ташқари 230 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 25 минг киловатт-соат электр қувватини тежаб қолиш, пландан ташқари 250 тонна тола ишлаб чиқариш мажбуриятларини олдилар.

Юбилей йилида колхозчи деҳқонлар ва совхоз ишчилари учун 288 та турар-жой бинеси, 4 та маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинати, янги магазинлар, ёзлик ва қишлик кинотеатрлар, ҳаммом, кутубхона, дорихона қурилиб, фойдаланишга топширилади. 2 мингдан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 2 та мактаб, 108 болага мўлжалланган 2 та боғча бинеси қад кўтаради. Райондаги қишлоқ ва поселкаларни ободонлаштириш, янгидан-янги боғлар, хиёбонлар барпо қилиш мўлжалланмоқда.

Бекобод саноатчилари ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.



Кундан-кунга обод бўлаётган Бекободнинг Николаев кўчасини кўриб турибсиз.

МЕХАНИЗАЦИЯ—ҚАНОТИМИЗ

Уч-тўрт йил бўлдики, областимиз пахтакорлари деҳқончиликда комплекс механизацияни кенг қўлланиб, улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Ҳаммамиз биламиз, илгариги вақтларда янгиликдан чўчиб турар эдик, квадрат-уялаб чигит экишга, ғўза қатор ораларига иккиёқлама ишлов беришга кўнгилимиз бормас эди. Пахтани машинада теришга келганда бўлса, икки оёғимизни бир ерга тираб олардик. Мана энди янгиликнинг афзаллигини, механизацияннинг қудратли кучини, унинг деҳқонга қанот эканлигини ўз кўзимиз билан кўриб, тажрибада синаяпмиз.

Ўтган йили бўлимимизда ташкил этилган комплекс механизациялашган звеноларда пахтадан ҳар қачонгидан кўра баракали ҳосил олинди. Негаки, бу звеноларда чигит экишдан тортиб пахтани қабул пунктларига етказиб беришга қадар бўлган асосий ишлар техника ёрдамида бажарилди. А. Мадумаров бошлиқ звенода 48 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 ўрнига 34 центнердан, М. Раҳимқулов звеносида 27 ўрнига 32, Р. Худойбердиев звеносида 26 ўрнига 31 центнердан пахта олинди. Бўлим бўйича 640 гектар ернинг ҳар гектаридан планда белгиланган 26 ўрнига 27.5 центнердан «оқ олтин» топширдик. Звено бошлиқларининг ўзлари пахта териш машиналарини усталик билан бошқаришди. 1000 тоннага яқин ҳосилни «зангори кема»ларда теріб беришди. Натижада бўлимимизда бир центнер пахта етиштириш учун сарфланган харажат қўшни бўлимларга қараганда бирмунча камайди.

Мана бу йил мамлакатимизнинг ҳамма ерида Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилей тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил кураш олиб бориляпти. Бизнинг бўлимимиз ишчилари, механизаторлари ҳам ана шу улкан сафда бардам боришяпти. Бу йил юбилей шарафига зиммамизга юксак социалистик мажбуриятлар олганмиз. Бўлимимиз бўйича ҳар гектар ердан планда белгиланган 26,7 центнер ўрнига 30 центнердан пахта етиштирамиз, деган ниятимиз бор. А. Мадумаров, М. Раҳимқулов, Р. Худойбердиев ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари 35—40 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилганлар.

Биз бу йил механизациядан янада яхшироқ фойдаланиш учун курашамиз. Фан ютуқларини, илғорлар тажрибасини дадил қўллаймиз. Шу йўл билан пахтанинг таннархини арзонга туширишни таъминлаймиз. Етиштирилган ҳосилнинг камида 75—80 процентини машиналар ёрдамида теріб оламиз. Ҳозир ана шу мақсадда асосий майдонларга чигит квадрат-уялаб экилди. Ғўза қатор ораларига узунасига ва кўндалангига ишлов беришни бошлаш арафасидамиз.

Шуни айтиш керакки, бизнинг бўлимимизда 31 киши коммунист. Уларнинг деярли ҳаммаси бевосита ишлаб чиқаришда. Нарядсиз ишлайдиган 8 та звеномизнинг 6 тасига коммунистлар бошчилик қилишмоқда. Улар меҳнатни ташкил қилиш, ўзаро мусобақани қизитиш, кишиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаб, меҳнатга рағбатлантиришда яхши ташкилотчилик ишларини олиб боришмоқда.

Бугун пахта далаларимизда бўлсангиз, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатларини кўриб хурсанд бўласиз. Улар қишнимат фурсатни қўлдан бой бермай, барча майдонларга чигитни сифатли экиб олиш, бехато уни ишини таъминлаш чораларини кўрмоқдалар. Ҳадемай ғўза парваришн ҳам бошлаб юборилади. Сўзимизнинг уддасидан чиқиш учун астойдил енг шимариб ишлаймиз. Юбилейга муносиб меҳнат зафарлари билан етиб келамиз.

А. ХАЛИЛОВ,
1-«Далварзин» совхозининг бўлим бошлиғи.

ШАХСИЙ СОВҒА

Ўтган йили баҳор фаслида пилла қурти боқдим. Тезкорлик усулини қўллаб хоналарни озода сақлаб, қуртларни вақтида баргга тўйдириб боқканлигим сабабли натижа яхши бўлди. Бир қутидан юз килограммга яқин сифатли пилла топширдим. Ўша йили фермада сигир ҳам соғдим, пахта йиғим-терими бошланиши билан далада бўлдим, этак боғлаб теримга тушдим. Мавсумда 7 тоннага яқин «оқ олтин» териб бердим.

Бу йилги ниятим ўтган йилгига қараганда ҳам яхшироқ ишлаб, Совет ҳукуматимизнинг эллик йиллик тўйига муносиб шахсий совға тайёрлашдир. Бу тўғрида колхоз правленеси билан гаплашиб олдим. Мавсумда бир ярим қути қурт уруғи боқмоқчиман. Она-Ватанга планда белгиланган 80 килограмм ўрнига 120 килограмм қимматли хомашё армуғон этаман.

Ахир шу кеча-кундузда ҳар бир совет кишиси тўйга тўёна билан келиш тараддудида. Менинг тўёнам фақат пилланинг ўзигина бўлмайди. Пахта йиғим-теримида ҳам кўпчиликнинг сафида бўламан. Эл хирмонига камида 7—8 тонна «оқ олтин» тўкаман. Мен ишлайдиган ўртоқ Шербўта Деҳқонов бошлиқ бригада аъзолари ҳам зиммаларига юксак мажбурият олишган. 80 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан хирмон кўтаришмоқчи. Бу курашга ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшаман. Ҳа, менинг юбилейга шахсий совғам ана шулар бўлади.

С. БОЛТАБОЕВА,
«Коммунизм» колхозининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ДОНГДОР ПАХТАКОРЛАР

Юбилей йилида ҳар йилгидан ҳам мўл пахта ҳосили етиштириш учун курашаётган миришкорлардан (чапдан ўнгга) «Победа» колхозининг звено бошлиғи А. Маманазаров, «Коммунизм» колхозининг звено бошлиғи Ш. Деҳқонов, 3-«Далварзин» совхозининг звено бошлиғи Х. Бобоёров, 1-«Далварзин» совхозининг бўлим бошлиғи А. Халилов ўртоқлар.

А. Абалин фотолари.

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК УЧУН

(КАРЛОВИ ВАРИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯДА ҚАТНАШГАН ЕВРОПА КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИНИНГ БАЁНОТИ)

(Боши биринчи бетда)

Ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларига асосланган коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш, аввало ҳамма давлатларнинг урушдан кейинги даврда Европада вужудга келган реал воқелиқни бор бўйича эътироф қилишларини талаб этади. Демак, бу Европадаги мавжуд чегараларнинг бузилмаслигини эътироф қилишни, иккита суверен ва тенг ҳуқуқли герман давлати—Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси мавжудлигини эътироф қилишни (бундай эътироф қилиш Германия Федератив Республикасидан бутун Германия номидан вакиллик қиламан, деган ўз даъволаридан воз кечишни талаб этади) Германия Федератив Республикасини ядро қуролига ҳар қандай формада яқин йўлатиш имкониятига йўл қўймасликни, Мюнхен шартномасини тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас, деб эътироф қилиш кераклигини билдиради.

Баёнотда қуйидаги мақсадларни: Европадаги ҳамма давлатлар ўзаро муносабатларда куч қўлланишдан ёки куч қўлланмоқчи бўлиб таҳдид солишдан ҳамда ички ишларга аралашишдан воз кечиш тўғрисида шартнома тузиш, барча давлатлар билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар, ҳар иккала герман давлати ўртасидаги муносабатлар ҳам, шунингдек Германия Демократик Республикаси билан алоҳида снёсий бирлик сифатида Гарбий Берлин ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш, Германия Федератив Республикасида демократияни муттасил ҳимоя қилиш ва ривожлантириш, қуроллариш пойгасини тўхтатиш йўлида қўйилган муҳим қадам сифатида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида шартнома тузиш мақсадларини амалга ошириш учун кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида гапирилади. Чет эл қўшинларини Европа давлатлари территориясидан олиб чиқиб кетишга, чет эл ҳарбий базаларини тугатишга, Марказий Европада, Болқон ярим оролида, Дунай бўйидаги мамлакатлар территориясида, Ўрта денгиз районида ва Шимолий Европада атомсиз зоналар вужудга келтиришга тааллуқли бўлган ва шу каби бошқа таклифлар диққатга сазовор, дейилади баёнотда.

Атлантика пакти амал қилаётган 20 йиллик муддат 1969 йилда тугайди, бу эса унинг эвазига қилинадиган равшан ишни — ҳарбий блокларсиз Европа вужудга келтиришни кун тартибига кўндаланг қилиб қўяди.

Европадаги хавфсизлик ва тинч ҳамкорлик масаласига бағишлаб, барча Европа давлатларининг конференциясини чақириш тўғрисидаги таклифни тўла равишда қувватлаймиз. Европадаги барча парламентлар вакилларининг конференциясини чақириш тўғрисидаги таклиф ҳам қувватланса арзийдиган таклифдир, дейилади баёнотда. Европа коммунистик ва ишчи партиялари испан ишчилари ва демократик кучларининг бирлик фронти, шунингдек реакцион режимларга қарши, озодлик ва демократия учун курашаётган барча халқлар ҳозирги вақтда олиб бораётган муҳим курашга тўла бирдамлик изҳор қиладилар ва бу курашга мадад берадилар.

Империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши ҳамиша курашиб келаётган коммунистлар ҳозирги вақтда ўз миллий озодлиги учун курашаётган халқлар билан бирдамликни кучайтирадилар.

Узининг энг катта ғалабасининг — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини бу йил ишонлаётган бизнинг ҳаракатимиз, дейилади баёнотда, бутун инсониятнинг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказаётган қудратли сиёсий куч бўлиб қолди.

Коммунистик партияларнинг ҳар қайсиси ўзи кураш олиб бораётган специфик шароитда ўзининг сиёсати учун ўз мамлакатининг ишчилар синфи ва меҳнаткашларн олдида, ўз халқи олдида жавобгардир. Айни вақтда ҳар бир партия тинчликни сақлаб қолиш учун ўз зиммасидаги халқаро масъулиятни тушуниб турибди.

Биз аввало, ишчилар синфига ишчилар синфининг энг яқин иттифоқчиси бўлган деҳқонларга, аҳолининг ўрта ва социал демократик партияларга, Европа касаба союзларига, Европанинг барча знёлиларига, барча эътиқоддаги диндорларга, Европанинг ёш авлодига, хотин-қизларга, Европа хавфсизлиги снёсатини қўллаб-қувватлашга тайёр бўлиб турган буржуа гуруҳларига мурожаат қилаётирмиз, дейилади баёнотда.

Биз барча тинчликсевар кучларни бирлашишга ва ўз мамлакатларида ҳамда бутун қитъа миқёсида коллектив хавфсизлик йўлида бевосита ҳаракатларни авж олдириб юбормоқ учун кенг кампания ташкил этишга чақираётирмиз. Биз Европа давлатларининг конференциясини чақириш тўғрисидаги таклифни бутун чоралар билан қувватлашга даъват этаётирмиз.

Европа мамлакатларининг коммунистлари шу нарсага гоят аминдирларки, улар ўз қитъасида агрессия ва уруш кучларига қарши тинчлик ва хавфсизликни ҳимоя қилиб, демократия, социал тараққиёт ва миллий озодлик манфаатлари йўлида, бутун дунё халқларининг манфаатлари йўлида иш олиб бормоқдалар. Биз барча холис ниятли кишиларга мурожаат қилиб, уларни муштарак мақсадимиз бўлган тинчликка эришмоқ учун ўзларининг бутун нуфузларидан фойдаланишга ва ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарфлашга чақираётирмиз. Бир-биримиздан ажратиб турган нарсаларни бартараф қилиб, биз уруш устидан ва эртанги кунга умидсизлик устидан тантана қила оладиган, мустаҳкам тинчликка ва халқлар фаровонлигига йўл очиб бера оладиган қудратли куч вужудга келтира оламиз.

Европа халқлари ўз қитъасининг тинчлиги ва хавфсизлиги масалаларини ўзлари ҳал қила оладилар. Бинобарин, улар Европа тақдирини ўз қўлларига олсинлар.

ҚУРИЛИШ «НОНИ»

...«Тошкент хазинасига, Хильково станциясн ёнидаги Мирзачўл цемент заводи қурилишининг мудири ихтиёрига 1 миллион сўм ўтказилсин».

Бу сўзлар Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 17 майдаги Декретидан олинди. Декретнинг ўзи эса «Туркистондаги суғориш ишлари ва бу ишларни ташкил қилиш учун 50 миллион сўм ажратиш тўғрисида» деб аталади. Бу Декретга доҳимиз В. И. Ленин имзо чеккан эди.

Цемент заводи 1925 йилда ишга туширилди. Унинг қуввати йилига 28 минг тонна цементни ташкил қиларди. Урушдан аввалги беш йилликлар даврида ҳам, уруш йиллари ва ундан сўнгги тинч қурилиш вақтида ҳам корхона тобора юксалиб, ривожланиб борди. Ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашди. Илғор тажриба ютуқлари асосида меҳнат унумдорлиги ҳам йил сайин ўсиб, маҳсулот кўплаб ишлаб чиқарилабошланди.

Эндиликда қайта реконструкция қилинган бу корхона ҳозирги замон техникаси билан қуроллангган қудратли цемент комбинатига айланган. Ҳозир бу ерда йилига 714 минг тоннагача цемент ҳамда 1815 километр узунликда асбоцемент қувурлари ишлаб чиқариляпти. Завод бундан олти йил муқаддам мазут ёқилғиси ўрнига газ негизида ишлай бошлаган эди. Бу эса йилига 1676 минг сўмни тежаб қолиш имконини беряпти.

Бу рақамларни корхона дастлабки ишга тушган вақтдагиси билан бир солиштириб кўринг. Ўтган қисқа давр ичида заводимиз қанчалик улғайиб, камол топди. Лекин бу билан биз қаноатланиб қолмаймиз, албатта. Беш йиллкнинг улкан режалари зиммамизга масъулиятли ва шарафли вазифалар юклайди.

Беш йилликнинг биринчи йили топширигини коллективимиз муддатидан икки ҳафта бурун адо этиб, мамлакатга пландан ташқари 664 минг сўмлик маҳсулот етказиб берди. Барча номенклатуралар бўйича планлар ортиғи билан бажарилди. Пландан ташқари 8771 тонна клинкер, 1843 тонна цемент, 39,8 шартли километр қувур, 1760 шартли плита шифер ҳамда 5383 тонна оҳак ишлаб чиқарилди.

Социалистик мусобақада эришган юқори кўрсаткичларимиз учун Бекобод шаҳрининг саноат корхоналари орасида саккизинчи бор шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғини олишга муваффақ бўлдик.

Буларнинг ҳаммаси аввало коллектив аҳлининг фидокорона меҳнати туфайлидир. Бизда ўз ишининг усталари, ишлаб чиқариш илғорлари анчагина топилади. Айланма печь машинистлари З. Мусаев, Н. Кобец, Х.Толипова, Ш. Мелиев, тепловоз машинисти И. Жўраев, экскаватор машинисти С. Собиров, ремонтчи слесарь С. Бектошев, цемент тегирмони машинисти Ж. Отаулаев каби ўнлаб, юзлаб ишлаётган азамат кишиларимиз бор.

Комбинатда социалистик мусобақа авж олдириляпти, коммунистик меҳнат учун кураш кенгаяпти. Бизда 1159 киши — 16 бригада, 5 смена ва 6 цех коммунистик меҳнат зарбдорлари номини олиш учун мусобақалашмоқдалар. 149 ишчига эса коммунистик меҳнат зарбдори номи берилган.

Улар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақанинг ҳам олдинги сафларида боришяпти. Каримқулов, Иванова, Умарова, Мўминова ўртоқлар бошлиқ смена коллективлари пойтахт тўқимачилик машинасозларининг чақириғига биринчи бўлиб, «лаббай» деб жавоб беришди. Ўз устларига қўшимча мажбуриятлар олиб, «Октябрнинг 50 йиллиги номли коллектив» номини олиш учун курашишяпти.

Комбинатда ишлаб чиқариш новаторлари ҳақида ҳамиша яхши сўзлар айтиб, фахрланишади. Улар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун курашнинг чинакам ташаббускори бўлиб чиқишяпти.

Масалан, биргина ўтган йили 190 та рационализаторлик таклифидан 145 таси улар томонидан жорий қилинди. Бунинг самараси чакки бўлмади. Корхона йилига 38,3 минг сўм иқтисодий самара оладиган бўлди. В. Цибузов, С. Абдурахмонов, В. Ли каби ихтирочиларимиз топган янгиликлар неча минг сўмлаб маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда.

Меҳнат унумдорлиги ҳам йил сайин ўсиб бораётганлигини қониқиш билан айтиб ўтмоқчиман. Ўтган йили бу кўрсаткич 106 процентни, ишлаб чиқариш нормаси бўйича эса 121,9 процентни ташкил қилди.

Бу йил цементчилар зиммасига янада зўр масъулият юклатилган. Пландан ташқари 8 минг тонна цемент, 20 шартли километр асбоцемент қувур, 300 минг шартли плита шифер ишлаб чиқарамиз — комбинат аҳлининг аҳди ана шундай.

Юбилей йилида олган режаларимиз ана шундай, Ҳозирнинг ўзидаёқ ойлик планларни ошириб бажаряпмиз.

Юбилей йили янада улкан ютуқлар йили бўлади. Бунга ишончимиз комил.

К. ФАРМОНОВ,
Цемент комбинатининг айланма печь машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

МОСКВА КОСМОС ҚАҲРАМОНИ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

Совет халқининг шонли фарзанди, коммунист, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси Владимир Михайлович Комаровнинг ажойиб ҳаёти фожиона сўнди.

Совет халқи, Коммунистик партия, Армия, Авиация ва Флот жангчилари 26 апрелда осмон йўлларини биринчилар қаторида босиб ўтган жасур киши билан сўнгги марта видолашдилар.

...Москваликлар, жангчилар, Москванинг меҳмонлари қаҳрамоннинг хокига таъзим қилмоқ учун Совет Армияси Марказий уйининг Қизил байроқли залига келадилар. Совет кишилари планетанинг мағрур фарзанди, Коинот фазоларини забт этган киши билан видолашадилар.

Марҳумнинг дўстлари — Владимир Комаров билан биргаликда космик давр тонгини ёритган кишилар — Юрий Гагарин, Герман Титов, Андриян Николаев, Павел Попович, Валерий Биковский, Валентина Николаева — Терешкова, Константин Феоктистов, Борис Егоров, Павел Беляев ва Алексей Леонов марҳумнинг хоки солинган қутича ёнида фахрий қоровулда турадилар. Улар ўз дўсти, вафодор ўртоғидан ажралдилар. Улар юлдузлар сари машаққатли йўлни биринчи марта Владимир Комаров билан биргаликда босиб ўтган эдилар.

Қизил байроқли залдан ўтаётган кишиларнинг сон-саноғи йўқ. Кишилар Владимир Комаровнинг портрети қўйилган супача ёнига гулдасталарни қўядилар. Бу гулдасталар Владимир Комаровга бўлган меҳр-муҳаббатни ҳам, самимий иззат-ҳурматни ҳам, Ватан шон-шуҳрати йўлидаги буюк жасорати учун миннатдорчилик туйғуларини ҳам ифода этар эди.

Соат 13. Марҳумнинг хоки солинган қутича ёнига одамларни киритиш тўхтатилади. Залда В. М. Комаровнинг қариндош-уруғлари, яқинлари ва дўстлари қолдилар. Сўнгги видолашув дақиқалари бошланди.

Космонавтнинг хоки солинган қутича мотам марсияси садолари остида Совет Армияси Марказий уйидан олиб чиқилади. Фахрий ҳарбий қоровул сукут ичида.

Мотам маросими Союзлар уйи қараб йўл олади. Минг-минглаб москваликлар бошларини қуйи солиб ўзларининг ҳамшаҳри қаҳрамон билан видолашадилар.

Союзлар уйи ёнида мотам маросимини Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари кутиб оладилар. Улар В. М. Комаровнинг хоки солинган қутичани тўл лафетига қўядилар. Мотам маросими Қизил майдон сари йўл олади.

Қизил майдон. Владимир Комаров 1962 йил август ойида, «Восток-4» учувчисининг дублери бўлган пайтда шу ерга келган эди. У осмонга қилган биринчи парвози арафасида Кремлнинг қадимий деворлари ёнида турган эди. Ватан, халқ, бутун инсоният 1964 йил октябрь ойида шу Қизил майдонда В. М. Комаров бошчилигида ҳаётда биринчи кўп ўринли космик кемаларнинг шонли экипажини шоду-ҳуррамлик билан табриклаган эди.

Қизил майдон минбарларида Москва меҳнаткашлари ва жамоатчилигининг вакиллари, иттифоқдош республикаларнинг делегациялари, олимлар, маданият арбоблари, совет ҳарбий бошлиқлари ўз ўрнини бўлганлар. Бу ерда дипломатия корпусининг аъзолари, чет мамлакатларнинг ҳарбий аташелари ҳам бор эди.

Мавзолей олдида ҳарбий қисмлар саф тортиб турибдилар. Жанговар байроклар қуйи эгилган.

Мотам маросими Тарих музейининг орқа томонидан Қизил майдонга кириб келади.

Соат 15. Космонавтнинг хоки солинган қутича тўл лафетидан олиниб, В. И. Ленин Мавзолейи олдидаги супачага қўйилади.

А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулачов, М. С. Соломенцев ўртоқлар, дафн этишни ташкил этувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари Мавзолейнинг марказий минбарига чиқадилар.

Мотам митинги бошланади. Бу митингни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. А. Суслов** очади.

Совет халқи, деди М. А. Суслов, бугун Ватанимизнинг атоқли фарзанди — СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони инженер-полковник Владимир Михайлович Комаров билан чуқур қайғу ичида видолашмоқда. Владимир Михайлович Комаров янги «Союз-1» космик кемасида синов учишини тугаллаган чоғда фожиона ҳалок бўлди.

Владимир Михайловичнинг ҳалокати тўғрисидаги хабар ҳар бир совет кишисининг қалбини қайғу-

СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ВЛАДИМИР МИХАЙЛОВИЧ КОМАРОВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

□ □

алам билан тўлдирди. Ўртоқ Комаров биринчи совет космонавтлари, космик кемаларни синовдан ўтказувчи истеъдодли кишилар, космик фазонинг жасур тадқиқотчилари машҳур плеядасига мансуб бўлиб, совет халқининг самимий меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган эди.

Унинг номи 1964 йилда кўп ўринли «Восход» космик кемасида космосда ўтказилган илмий-тадқиқотларнинг мураккаб программаси жуда яхши бажарилганидан кейин бутун дунёга машҳур бўлиб қолди. «Восход» кемасининг парвози билан космосни ўзлаштиришда янги босқичга асос қўйилди. Владимир Михайловичнинг зўр илҳом билан тузган планлари кўп эди ва у инсоннят бахт-саодати учун космик фазони забт этишда янги галабаларни орзу қилар эди.

Владимир Михайлович Комаров Ватанимизнинг мағрур лочини сифатида шонли жанговар постда ҳалок бўлди. Лекин у ўзининг қиска умрида қилган ишлар совет кишиларининг хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайди.

Владимир Михайлович Комаров, деб сўзини давом эттирди М. А. Суслов, Коммунистик партияга садқидил билан содиқ бўлган мард коммунист эди. У ўзининг бутун порлоқ ҳаётини социалистик Ватанга фидокорона хизмат қилишга бағишлаган эди. У ўз халқига чексиз муҳаббат, марлона шижоат, янгиликни кидириб топишга доим ҳаракат қилиш, темирдек мустаҳкам ирода, интизомлилик, меҳнатсеварлик, камтарлик, дилкашлик, сезгирлик каби ажойиб хусуситлар билан ажралиб турар эди. Ўртоқлари уни шундай киши деб билар эдилар. У кишилар хотирасида ва космосни забт этиш тарихида ҳа-

шаҳар Комитетининг секретари **В. Я. Павлов** сўзга чиқади.

Москва меҳнаткашлари, деди у, ўзининг жасур фарзанди, космос йўлини биринчи марта очган жасур кишилардан бири, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, коммунист Владимир Михайлович Комаров билан сўнгги марта видолашмоқдалар. Космик фазога икки марта парвоз қилган, ўзининг бутун ҳаётини фаннинг тантанаси, Совет Ватанимизнинг шон-шуҳрати учун бағишлаган атоқли космонавт фожиона ҳалок бўлди.

Социалистик Ватанимиз 50 йил ичида буюк ва шонли йўл босиб ўтди. Совет кишилари бу йўлда Коинот фазоларини забт этиш тарихига шонли саҳифаларни ёздилар. Владимир Михайлович Комаровнинг номи зўр жасорат, талант ва маҳорат билан социалистик Ватанимизнинг байроғини осмон трассаларига олиб чиққан совет космонавтлари шонли плеядасида муносиб ўрин олади. Партиянинг ишига, Ватанга, ўз халқига фидокорона садоқат, топшириқни иш учун зўр жавобгарликни ҳис этиш — ана шу ажойиб кишига, мард коммунистга хос хусусиятлар эди.

Пойтахт меҳнаткашлари унинг космосни ўзлаштиришдаги жасоратини ҳеч қачон эсдан чиқармайдилар. Қаҳрамонлар ўлмайди. Улар ҳамиша сафда қолаверадилар.

СССР космонавт-учувчиси **Ю. А. Гагарин** микрофон ёнига келади. Барча совет кишилари каби, биз, космонавтлар ҳам, деди у, жанговар дўстимиз ва ўртоғимиз Владимир Михайлович Комаров билан сўнгги марта видолашар эканмиз, дилимизданги қайғу-аламни ифодалаш қийин. Совет Қуролли Кучлари ва бизнинг жанговар космонавтлар оиламиз жасур ва содиқ ўртоқдан ажралди.

Биз уни мард, эпчил ваташаббускор учувчи деб билар эдик.

М. А. Суслов КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг топшириғига биноан, Владимир Михайлович Комаров хотирасига бағишланган мотам митингини очиқ деб эълон қилади.

СССР Фанлар академиясининг президенти **М. В. Келдиша** сўз берилади.

Совет халқининг содиқ фарзанди, космосни биринчи бўлиб забт этганларнинг бири, талантли синовчи-инженер, космонавт-учувчи, коммунист Владимир Михайлович Комаровнинг фожиона ҳалокати, дейди М. В. Келдиш, унинг ҳамма яқинлари учун, партия космосни ўзлаштириш вазифаларини ҳал этишни ишониб топширган ҳамма кишилар учун оғир мусибатдир. Совет олимларининг, барча совет кишиларининг қалблари ана шу жудолик билан қайғу-аламга тўлди.

М. В. Келдиш сўзини давом эттириб, бундай деди: Янги «Союз» космик кемаси ёрдамида бундан буён тадқиқотлар ўтказиш программаси ишлаб чиқилиб, бу кема учувчиларсиз парвоз қилганидан кейин уни космосда синаб кўриш тажрибали космонавт, талантли синовчи-инженер Владимир Михайловичга топширилган эди. У яни кемани синаб кўришнинг катта, мураккаб программасини ва белгиланган илмий экспериментларнинг ҳаммасини тўла бажарди. Шу билан бирга, у зўр билим, тажрибага эга бўлиб, юксак иродали киши эканлигини яна бир марта кўрсатди. Владимир Михайлович учишни тамомлаб, ерга тушиш ва космик техликни сўндиришнинг энг оғир участкасидан эсон-омон ўтди ва ерга жуда яқин колган пайтда кема парашют системасининг ипи изидан чиқиб колди.

Владимир Михайлович Комаровнинг фожиона ҳалокати космонавтларнинг шонли оиласи учун, фан ва техника ходимлари учун, бутун совет халқи учун оғир мусибатдир.

Лихачев номидаги автозавод слесари **Ю. М. Карастелин** сўзга чиқди. Автозавод коллективи, барча москваликлар, деди у, бугун космосни биринчи бўлиб забт этганларнинг бири билан видолашмоқдалар. «Союз-1» космик кемасида парвоз қилишдан бир неча кун аввал Владимир Михайлович 40 ёшга тўлган эди. У, ўз ижодий кучлари яшнаб турган бир пайтда орамиздан кетди. У бутун ҳаётини умрининг сўнгги дамигача Ватан ва халқ хизматига бағишлаган эди.

Космонавт учувчи Владимир Михайлович Комаров бизнинг Пролетар районимизга ва Москвадаги бошқа корхоналарга тез-тез келиб турар эди. Биз уни гоят дилкаш ва камтар, доно ва завқ бағишловчи ҳамсуҳбат деб билар эдик.

Заводимизнинг коллективи Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги номли темирчилар бригадасининг ташаббуси билан қаҳрамон космонавтни фахрий автозаводчилар рўйхатига абадий ёзиб қўйди. У ҳамиша биз билан бир сафда боради.

Шундан кейин КПСС Москва

МУХБИРЛАР ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Ўзбекистон профессионал журналистларининг ҳозир олтмиш минг актив ёрдамчилари бор. Республика ишчи-деҳқон мухбирларининг Тошкентда бўлиб ўтган учинчи съездида жамоатчиларнинг ва барча матбуот ходимларининг мана шу жуда катта армияси қилаётган ишлар ва уларнинг олдида турган вазифалар ҳақида гапирилди.

Съезд қатнашчилари кўпгина муҳим масалаларни кўтаришди. Лекин делегатлар нима тўғрисида гапирмасин, ҳозирги кунининг асосий масаласи — Совет давлатининг шонли 50 йиллигини қандай қилиб яхшироқ кутиб олиш масаласи уларнинг диққат марказида турли. СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретари, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев ўз докладини журналистлар ва халқ мухбирлари зиммасидаги юксак масъулиятга бағишлади. Штатли ва штатсиз ҳар бир журналистнинг фаҳрли бурчи шуки, деди докладчи, у социалистик жамиятнинг яратувчи кучини, мамлакатимиз халқларининг коммунистик қурилишдаги зўр муваффақиятларини ёрқин қилиб кўрсатиб бериши, халқ оммасининг иқтидорлик ташаббусини тинмай ривожлантириш, Ватаннинг янада равнақи йўлида янги катта ишлар қилишга оммани сафарбар этиши лозим.

МУСОБАҚА ТАШАББУСЧИЛАРИ БЎЛАИЛИК

Раислик қилувчи энди сўз Михаил Сергеевга берилади, деб эълон қилганида унинг кимлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати қолмади. Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводининг бу гокарини ҳозир бутун республика билади. Унинг «Правда Востока»да босилиб чиққан «Юбилей шижоат кўрсатишга чорлайди» сарлавҳали мақоласи минг-минглаб меҳнаткашнинг учун ҳам олинган мажбуриятларнинг намунали бажарилишига, ҳар бир завод, ҳар бир колхознинг барча резервлар ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳормай-толмай эришиш ишчи ва қишлоқ мухбирларининг фахрли вазифасидир.

Фарғона область газетаси «Коммуна»нинг редактори А. Мирзаев, «Чирчиксельмаш» технологи В. Старшиков, Хива район газетасининг редактори П. Машарипов ва бошқа делегатлар шу тўғрида гапириб, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини, техника тараққиётини, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формаларини пропаганда қилишдаги ижобий тажрибаларни айтиб ўтдилар. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий қилиш, икки кун дам олинадиган иш ҳафтасига ўтиш сингари актуал масалалар редакцияларнинг ва газета активларининг тематик планларида асосий ўринлардан бирини олиши лозим.

Область газетаси «Ленин йўли»нинг редактори Л. Ҳамроев бу рўйхатга муҳим илова киритди. Самарқанд журналистлари, деди у, экономика билан яхши дўст бўлиб колишди. Газета бир йил ичида ўн тўқизта махсус саҳифани маҳсулотнинг таннархи ва хўжалик ҳисоби, иш минутининг қадри, хом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш масаласига ва бошқа проблем масалаларга бағишлади. Республикаларнинг кўпгина газеталари самарқандликлардан ибрат олсалар бўлади.

ЯНГИ КИШИНИ ТАРБИЯЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

Юбилей йилида газеталаримиз қоявий-ижодий етуклик имтиҳонидан ўтадилар, дейиш мумкин. Бу эса,— дейди съездда сўзга чиққанлар, КПСС XXIII съездининг қарорларини чуқур, кенг, ишчанлик билан, журналистларга хос маҳорат билан амалга ошира билиш кобилиятининг синовидир. Ҳар бир материал газетхонни жонажон партия ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялашга, совет тузумининг, социалистик демократиянинг афзалликларини кўрсатиб бериши, халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашга кўмаклашуви, совет кишиларини янги шижоатларга руҳлантириши, уларда коммунистик дунёқарашни шакллантириши лозим.

Юқори Чирчиқ район газетасининг редактори А. Раҳимбердиев шу газетанинг ташаббускор ишлари тўғрисида гапириб ўтди. Юбилей йилида бу газета Октябрь революцияси ветеранларининг, граждан уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг, меҳнат қаҳрамонларининг шонли традициялари тўғрисидаги мақолаларини ўзининг ҳар бир сонида босиб чиқармоқда. Газета коммунистик жамият кишисининг сиймосини маҳаллий турмушдан олинган мисоллар билан ёшларга кўрсатиб бермоқда.

Юбилей олди кунларида мамлакатимизнинг, Ўзбекистоннинг қаҳрамонона тарихидан тарбиявий мақсадда кенг фойдаланаётган республика газеталари, «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» ўрнак қилиб кўрсатилди. «Октябрь саҳифалари», «Мангулик», «Улар биринчилардан эди», «Октябрь ва инсон тақдири», «Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги аҳволи», «Кураш ва галабалар йилномаси», «Шавкатли меҳнат кишилари» рубрикалари остида хилма-хил жанрларда берилаётган материаллари газетхонлар севиб ўқимоқдалар.

Гражданлик бурчини англаш, совет ватанпарварлиги, ёш авлодни совет халқининг революцион ва меҳнат традицияларида тарбиялаш ҳамиша матбуотимиздаги етакчи мавзуларнинг бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, дейишди делегатлар.

Сўзга чиққан делегатларнинг кўплари ишчи-қишлоқ мухбирлари меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида тез-тез ёзиб туришлари муҳимлигини таъкидладилар. Мактаблар, клублар, касалхоналар ишини яхшилаш, савдони, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш, совет кишиларининг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини оширишга хизмат қилаётган ҳамма бўғинлар ишини яхшилаш учун партия ва совет ташкилотлари бутун чораларни кўраётган ҳозирги вақтда халқ мухбирларининг бу соҳадаги вазифалари ниҳоят даражада ошиб кетди.

ХАЛҚ МУХБИРЛАРИГА ЭЪТИБОР ВА ЁРДАМНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Қаршидаги ишчи-қишлоқ мухбирлари университетининг ректори Л. И. Долина ибратли бир мисолни айтиб берди. Бундан бир неча йил аввал Қашқадарёда область газеталари чиқа бошлаганида бу газеталар журналист кадрлар етишмай қолганлигидан жуда қийналиб қолган эди. Бу қийинчиликдан қутилиш йўли топилди — ишчи-қишлоқ мухбирлари билан маҳкам алоқа боғланди, уларга газетачилик маҳоратини ўргатишга киришдилар. Бу иш эса ўзининг ижобий натижаларини берди.

Кейинги йилларда республикада ишлашнинг янги формалари — редакцияларнинг жамоатчилик бўлимлари, жамоатчилик қабулхоналари, корхоналарда мухбирлар постлари, оммавий кўриклар ва рейдлар кенг ривожлантирилди ва яхши натижалар берди.

«Ҳақиқати Ўзбекистон» газетаси редакциясининг Самарқанддаги жамоатчилик қабулхонаси мулари Х. Ҳамидов, Тошкентдаги ишчи мухбирлар университетининг тингловчиси Ҳ. Эргашев, Гулистон районидаги 14-мактаб ўқитувчиси К. Мамадалиев, ҳарбий бинокор С. А. Будаев бу соҳада тўпланган тажрибалар тўғрисида, редакцияларнинг активлар билан амалий алоқаси ҳақида делегатларга батафсил гапириб бердилар.

Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси айни бир маслаҳатни бериб ўтди: ишчи-қишлоқ мухбирларига жонли, тушунарли қилиб ёзишни ўргатиш, журналистиканинг турли жанрларини эгаллаб олишда уларга ёрдам бериш керак. Бу ишлар фақат университетлар, семинар ва курслар доирасида бажарилиши керак. «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг ишчи-қишлоқ мухбирлари иштироки билан кўчма «летучка»лар ўтказиш ташаббусини кенг ёйиш лозим «Правда Востока» редакцияси томонидан шаҳар ва ишчи посёлкаларида ташкил этилган жамоатчилик мухбирлик пунктлари ҳам активларнинг маҳоратини оширишга ёрдам бермоқда, Навоий район газетасининг ходими А. Зайнуддинова ўз сўзида, профессионал журналистлар командировкага борганларида маҳаллий газеталар редакцияларининг иши билан қизиқишлари, ишчи-қишлоқ мухбирлари активларини ўстиришда уларга амалий ёрдам беришлари кераклигини айтиб ўтди.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг бўлим мудири М. Назаров журналистнинг, ишчи ва қишлоқ мухбирининг принципиаллиги тўғрисида съездда муҳим гапларни айтиб ўтди. Ҳақиқий ёзиш, камчиликларни дадил очиб ташлаш, ўзининг ижтимоий бурчини ҳалол бажариш, ўз зиммасидаги катта вазифани сезиб ишлаш ҳар бир журналист, мухбирнинг бирини-бирини бурчидир. Газетанинг вазифаси шуки, у ўзининг жамоатчи ёрдамчиларига зарур мадад бериб туриши, уларнинг чиқишлари юксак даражада таъсирчан бўлишига эришуви лозим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов съездда сўзлаган нутқида республика ишчи-қишлоқ мухбирларининг ва барча матбуот ходимларининг биринчи галдаги вазифалари тўғрисида гапирди.

Съезд Ўзбекистоннинг барча ишчи ва қишлоқ мухбирларига мурожаат қилиб, уларни Совет давлатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга чақирди (ЎзТАГ).

МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон ишчи-қишлоқ мухбирлари III съезднинг республикадаги барча ишчи ва қишлоқ мухбирларига

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари, матбуот, радио ва телевидение активлари!

Мамлакатимизнинг барча халқлари жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ярим асрлик юбилейини тантанали кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўраётган бир пайтда ўзининг III съездига тўпланган Ўзбекистон ишчи ва қишлоқ мухбирлари бу йиғинда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик муносабати билан матбуот, радио ва телевидение олдида турган жуда муҳим масалаларни муҳокама қилдилар.

Бутун мамлакатимизда бўлганидек, республикамизда ҳам шонли юбилейни муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоч ёзди. Ҳамма ерда меҳнаткашлар коллективлари юбилей вахтасида туриб ишлаб, юксак марраларни белгилаб олдилар. Ишчилар синфи саноат ишлаб чиқариш ва капитал қурилишнинг йиллик программасини муддатидан илгари адо этиш, пландан ташқари неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилишди. Пахтакорлар юбилей йилида камида 4 миллион тонна «оқ олтин» армуғон этишга аҳд қилишди.

Юбилей шарафига авж олиб кетган социалистик мусобақа жараёнида халқ оммасининг янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари рўёбга чиқмоқда. Шу кунларда корхоналар, колхоз ва совхозларда «Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига шахсий туҳфалар тайёрлаймиз!», «Юбилейга шахсий мажбурият кабул қилиш ҳар бир меҳнаткашнинг шон-шараф иши!», «Юбилей жасоратга чорлайди!» деган шиорлар остида умумхалқ ҳаракати бошланиб кетди.

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводининг гокари, ишчи мухбир Михаил Сергеев юбилейни шахсий меҳнат совғаларни билан нишонлаш юзасидан ажойиб ташаббус кўтариб чиқди. Унинг бу қимматли ташаббусини 153-қурилиш трести бинокорлар бригадасининг бошлиғи Рахим Зиёев «Малик» совхози бригадири Даврон Тўйчиев Андижондаги Карл Маркс номли колхоз бригадири Файзиддин Абдураззоқов, Шовот районидаги Чкалов номли колхоз бригадири Зариф Раҳматов ва бошқа жуда кўп меҳнатсеварлар қизғин қўллаб-қувватлади. Хозир республиканинг минг-минглаб меҳнаткашлари юбилей шарафига шахсий меҳнат мажбуриятлари олмоқдалар.

Октябрнинг 50 йиллигига тайёргарлик ишчи ва қишлоқ мухбирларининг активлигини бекиёс ошириб юборди. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи ишчи мухбирларининг ташаббуси билан бир қатор корхоналарда иктисод қилиш ва тежамкорлик, ишлаб чиқаришдаги ички резервларни аниқлаш юзасидан ишчи мухбирларнинг постлари ташкил этилди. «Таштекстильмаш» заводининг ишчи мухбирлари корхонанинг революцион ва меҳнат анъаналарини акс эттирувчи завод тарихини яратдилар.

Қўқонлик ишчи мухбирлар шаҳарнинг тарихини яратмоқдалар.

Биз, съезд қатнашчилари сизларни — ишчи ва қишлоқ мухбирларини шаҳар ва қишлоқларимизнинг, корхоналарнинг, колхоз ва совхозларнинг, партия ташкилотларининг революцион, жанговар, меҳнат анъаналарини акс эттирувчи йилномалар яратишга даъват этамиз. Бу олижаноб иш меҳнаткашларни, айниқса ёшларни хаётбахш совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида, партия ғояларига, коммунизмнинг юксак идеалларига чексиз садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

Ишчи ва қишлоқ мухбирларининг съездида мухбирларнинг матбуот, радио ва телевидение фаолиятида актив қатнашиб, бу билан партия ва совет ташкилотларига меҳнаткашларнинг техникани янада тараққий эттириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашга сафарбар этишда ёрдам бераётганликларига доир жуда кўп мисоллар келтирилди. Бизнинг вазифамиз — бундан буён ҳам жанговар сўзимиз ва ишлаги шахсий намунамиз билан корхона, қурилиш, колхоз ва совхозларнинг коллективларини севимли Ватанимиз шон шарафи йўлида янги меҳнат жасоратига йўллашдан иборат.

Съездда корхоналарни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказишда, шунингдек, корхона ва муассасаларни беш кунлик иш ҳафтасига ўтказишга тайёргарлик масалаларини ёритишда ишчи мухбирлари катта роль ўйнаяжаги таъкидланди. Биз партия ва давлатимизнинг мана шу муҳим социал иқтисодий тадбирлари муваффақиятли амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишимиз даркор.

Қишлоқ мухбирлари олдида ҳам катта вазифалар турибди. Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб келди ва шундай бўлиб колади. Пахта етиштиришни муттасил кўпайтириш республикамиз меҳнаткашларининг энг биринчи интернационал бурчидир. Биз техникадан моҳирона фойдаланиб, трактор, пахта териш машинаси ва бошқа агрегатларни юксак унум билан ишлатаётган илғорлар, механизаторлар, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши новаторларининг тажрибасини кенг оммалаштиришимиз, техникага, ерга нотўғри муносабатда бўлаётганларни, хўжасизлик фактларини каттиқ ғанқид қилишимиз зарур. Қишлоқ мухбирлари айни пайтда кишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ва жамоат чорвачилигини юксалтириш ишига ўз улушларини қўшишга ҳам даъват этилгандирлар.

Бизнинг вазифамиз — ҳар бир корхона, қурилиш, колхоз ва совхоз, бригада, цех ва участканинг, ҳар бир меҳнаткашнинг юбилей шарафига олган мажбуриятининг бажарилишини қаттиқ жамоат назорати остига олишдан иборат.

Қадрли ишчи ва қишлоқ мухбирлари, ўртоқлар! Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларда марксча-ленинча дунёқарашни, юксак коммунистик ахлоқни шакллантиришда матбуот, радио ва телевиденининг роли бениҳоя катта. Биз республикада идеологик ишини, оммани ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялаш ишини янада яхшилашда актив қатнашмоғимиз лозим.

СССР халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлиги Совет ҳокимияти қўлга киритган энг буюк галабадир. Мана шу дўстлик қудратимиз манбаи, буюк коммунистик галабаларимизнинг гаровидир. Совет халқларининг дўстлигини кўз қорачиғидай сақлаб, бу дўстликни бутун куч билан мустаҳкамлаш — бизнинг муқаддас бурчимиздир!

Биз совет кишиларининг ҳаёти тобора маданий, руҳан бой, мазмунли бўлиши учун кўп нарсаларни қилишимиз мумкин. Клублар, кутубхоналар, мактаблар, маданият, шифохона ўчоклари қурилишида тутилаётган ташаббусларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, улар фаолиятини яхшилаш ишчи ва қишлоқ мухбирларининг бурчидир Деворий газеталар, фотокўргазмалар, плакатлар — матбуот пропагандасининг барча воситалари мана шу мақсадга бўйсундирилмоғи зарур.

Бизнинг замонамизда мухбир бўлиш катта бахт, шу билан бирга бу ном катта масъулиятни ҳам талаб килади. Ишчи ва кишлоқ мухбири ҳаётга актив киришиб, ҳамиша олдинги сафда боради. Ҳар бир ишчи ва қишлоқ мухбири ўз маҳоратини тинмай ошира бориши, марксча-ленинча назариями, иқтисодий билимларни эгаллаши, ўзининг маданий фикр доирасини кенгайтира бориши зарур.

Ишчи ёки кишлоқ мухбирининг сўзи билан иши бир бўлгандагина у обрў-эътибор қозониши мумкин. Мабодо сен кеча «Иқтисод килиш ва тежамкорлик учун курашайлик!» деган чақириқ билан жанговар варақа чиқарсанг-у, ўзинг артасига хўжасизликка йўл қўйсанг, даъватичгга ким эргашади. Ҳар бир ишчи ва қишлоқ мухбири ўзининг шахсий намунаси билан кишиларни партиянинг улуғвор режаларини рўёбга чиқариш учун курашга даъват этиши зарур.

Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг съезднинга йўллаган табригида республика ишчи ва кишлоқ мухбирларининг фаолиятига юксак баҳо берилди Қадрли ўртоқлар! Совет халкини коммунизм йўлидан олиб бораётган улуг Ленин партиясининг содиқ ёрдамчилари деган номга муносиб бўлиш учун курашайлик!

ЎЗБЕКИСТОН ИШЧИ ВА ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ.

МОСКВА, 25 апрель. Совет Армияси Марказий уйининг Қизил байроқли зали. Суратда: СССР космонавт учувчиси В. М. Комаровнинг хоки солинган қутича ёнида (чапдан) М. А. Суслов, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, К. Т. Мазуров, П. Н. Демичев, А. Я. Пельше фахрий қоровулда.

В. Егоров ва В. Савостьянов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ 50 ЁШГА ТЎЛДИ

Мамлакатда энг қадимги советлардан бири бўлган Тошкент шаҳар Совети ўзининг эллик йиллигини 26 апрелда юбилей сессияси билан нишонлади. Сессияда шаҳар ва район советларининг депутатлари билан бирга революция ветеранлари, қардош республикалардан келган меҳмонлар ҳам қатнашдилар.

Қизил транспарантлар ва баҳорги ранг-баранг гуллар билан безатилган Свердлов номли концерт зали шу куни байрам либосига бурканган эди. Саҳнада жаҳонда биринчи совет социалистик давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленининг катта бюсти бор эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Ё. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. Зиёдуллаев, А. Р. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумя Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, шаҳар Советининг энг кекса депутатлари, қардош республикаларнинг, Тошкентдаги партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари президиум столи ёнидан жой оладилар.

Юбилей сессиясини Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов очади.

Сессия аҳли космосни дастлаб забт этувчиларидан бири, инженер-полковник, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Михайлович Комаровнинг ёркин хотирасини бир минут сукут қилиш билан эсладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлайди. Ш. Р Рашидов Тошкент шаҳар Советининг эллик йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг шаҳар Советига табрикномасини сессия аҳлининг қарсаклари остида ўқиб беради.

Владимир Ильич Ленининг жонли сўзини — пролетар революцияси доҳийсининг граммафонга ёзиб, абадийлаштирилган «Совет ҳокимияти нима?» деган нутқини юбилей сессияси қатнашчилари ўринларидан туриб тингладилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомов меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг ярим асрлик юбилейи тўғрисида доклад қилади.

Иваново шаҳри делегациясининг бошлиғи Б. П. Пичугин, қардош республикаларнинг пойтахтлари — Ашхобод делегациясининг бошлиғи Х. Қ. Қораев, Душанба делегациясининг бошлиғи Х. Р. Тошпўлатова, Фрунзе делегациясининг бошлиғи С. Деркенбоева сессияга қизғин салом сўзлари билан мурожаат қиладилар. Меҳмонлар шаҳар Советига ёдгорлик совғалари топширдилар.

Сессияда энг кекса депутатлар номидан 1918 йилдан бери КПСС аъзоси Н. Холмуҳамедов, Ўзбекистон пойтахти олимлари номидан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. Н. Қориниёзов нутқ сўзладилар.

Депутатлар ва меҳмонлар тошкентлик пионерларни саминий кутиб олдилар. Пионерлар юбилей сессияси қатнашчиларини қутлаш учун бу ерга келдилар.

Сессия Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома йўллади. (ЎзТАГ).

ШУҲРАТ ЁДГОРЛИГИ

Келажак авлодлар Советлар ҳокимияти учун курашган кишиларнинг хотирасини абадий эсда сақлайдилар. Буюк умумхалқ байрами — Улуғ Октябрнинг ярим асрлик юбилейи арафасида Тошкент Ўзбекистон пойтахти учун шонли санани — меҳнаткашлар депутатлари шаҳар советининг 50 йиллигини нишонлади. 26 апрель туш пайтида Горький номли маданият ва истироҳат паркида шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг тантанали митинги бўлди. Бу митинг революциянинг биринчи солдатлари, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашган кишилар хотирасига ўрнатилган шуҳрат ёдгорлиги — обелискни очиш маросимига бағишланган эди.

Ана шу ажойиб кунда бу ерга келган кишилар орасида гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, Тошкент шаҳар советининг биринчи депутатлари бор эди. Кекса большевиклар, Тошкент гарнизонининг жангчилари, шаҳардаги завод ва фабрикаларнинг ишчилари, пионерлар фахрий қоровулда турадилар.

Ўзбекистон пойтахтидаги партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар советининг юбилей байрамида қатнашиш учун бир қанча қардош республикалардан Тошкентга келган меҳмонлар минбарга чиқадилар.

Митингни шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов очади. Революция ветеранлари шаҳар советининг жанговар орден — Қизил Байроқ ордени қадаб қўйилган байрогини тантанали вазиятда, музика садолари остида ижроия комитет биносидан олиб чиқадилар.

Митингда 1918 йилдан бери КПСС аъзоси Р. Шермуҳамедов, «Ташсельмаш» заводининг слесари Тўйчи Ҳайдаров, младший сержант В. И. Милаш, ёзувчи Шуҳрат пролетар революциясининг ғалабаси учун олиб борилган жангларда қатнашган қаҳрамонларнинг унутилмас жасорати ҳақида, Тошкент шаҳар советининг Ўзбекистон саноати, фан ва маданиятини ривожлантиришга кўшган муносиб ҳиссаси тўғрисида гапирдилар.

Митинг тамом бўлди. Тантанали дақиқа бошланди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР гимнларининг садолари остида обелиск устидаги парда астасекин туширилади. Обелисккa ўзбек ва рус тилларида шу сўзлар ёзилган:

«Тошкент шаҳрининг пролетариати революциядаги жанговар хизматлари учун Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг 1924 йил 14 апрель қарорига биноан Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди».

Пионерлар ёдгорлик обелиски тагига гуллар қўйишди.

(ЎзТАГ).

Суратда: монументнинг очилиши. И. Глауберзон фотоси.

ХАЛҚАРО ЯРМАРКАГА

Тошкентдаги химия-фармацевтика заводи ёз мавсумида Измирда очладиган халқаро ярмаркага ҳар хил дори-дармонлардан ўн турини юборади.

Ўзбекистон фармацевтика саноатининг бу тўнгич корхонаси дори-дармонларнинг юздан кўпроқ турини ишлаб чиқармоқда. Тошкент заводида ҳаётга йўлланма олган кўпгина препаратлар мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам маълумдир. Оснё, Африка ва Европадаги мамлакатлар корхона маҳсулотини сотиб олмоқда. Завод халқаро ярмаркалар ва выставкаларнинг традицион қатнашчиси бўлиб қолди. Унинг дори-дармонлари Германия Демократик Республикаси, Италия, Польша, Руминия ва бошқа мамлакатларда уюштирилган выставкаларга қўйилган эди.

(ЎзТАГ).

Мамлакатлар ● Одамлар ● Воқеалар

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

Яқинда Исроил давлатининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси СССР Ташқи ишлар министрлигига таклиф қилинди. Исроилнинг кўшни араб давлатларига қарши агрессив ҳаракатлари тўхтовсиз давом этаётганлиги муносабати билан элчига баёнот топширилди.

Баёнотда бундай дейилади: ташқи империалистик кучларнинг, шунингдек Исроилдаги экстремист ва милитарист доираларнинг кўшни араб давлатлари суверенитети ва мустақиллигига қарши қаратилган сиёсати натижасида Яқин Шарқдаги вазият мушкуллашиб бораётганлигига Совет ҳукумати Исроил ҳукуматининг эътиборини кўп марта жалб этган эди. Бу райондаги аҳвол Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик кенгашида бир неча бор муҳокама қилинди ва жаҳон жамоатчилигини ҳали ҳам ташвишга солмоқда.

Совет ҳукумати, дейилади баёнотда, шу йил 7 апрелда Исроил билан Сурия ўртасида бўлган қуролли можарога эътиборини жалб этмай қололмайди. Ана шу қуролли можаро вақтида Исроил томони авиация, танклар ва артиллериядан фойдаланиб, Сурия Араб Республикасига қарши ошкора ҳарбий ҳужумларни қизитиб юборди. Совет Иттифоқи чегараларига бевосита яқин бўлган районда Исроил ўт билан хатарли равишда ўйнашиб турган пайтда Исроилнинг Исроил—Араб зиддиятларини куч ишлатиб, ҳарбий йўл билан ҳал этишга интилаётганлигини тасдиқловчи гаплар айтилди. Масалан, Исроил бош штабнинг бошлиғи Исроилнинг 7 апрелдаги қуролли ҳужуми сўнгги ҳужум эмас ва ана шундай янги ҳужумларни қилиш формалари, методлари ва вақтини Исроилнинг ўзи танлаб олади, деди.

СССР Ташқи ишлар министрлигининг баёнотида яна таъкидлаб ўтиладики, жаҳон яна Исроил агрессиясининг шоҳиди бўлиб қолди. Исроил сиёсат соҳасида тинчлик иши учун хатарли бўлган авантюраларга мойил эканлигини намойиш қилди.

7 апрелда Сурияга қилинган қуролли ҳужум муносабати билан, дейилади баёнотда, Совет ҳукумати Исроилнинг бир неча йил мобайнида ўз қўшниларига нисбатан ўтказиб келаётган хатарли сиёсати ҳаф-хатар тўғиради ва бунинг учун бутун жавобгарлик Исроил ҳукумати зиммасига юкланади, деб Исроил ҳукуматини яна огоҳлантириб ўтишни зарур деб ҳисобланди. Совет ҳукумати Исроил ҳукуматининг рўй бераётган аҳволни пухта чамалаб кўриб, сиёсий калтабинлик билан ўз мамлакатини ташқи душман кучлар қўлида ўйинчоқ қилишга тайёр турган ва халқнинг ҳаётий манфаатларини ҳамда ўз мамлакатининг тақдирини хавф остида қолдираётган доиралар изидан бормаслигини кутади.

Элчи бу баёнотни ўз ҳукуматига топширажагини айтди.

СОВЕТ—СУРИЯ ҲАМКОРЛИГИ

ДАМАШҚ. Совет—Сурия шартномасига мувофиқ темир йўл участкаси қурилишига киришилди. Бу участка Сурияннинг Ўрта денгиздаги Тартус портини Аккари станцияси орқали мамлакатнинг асосий темир йўл шохобчаси билан боғлайди. Совет мамлакатида ишлаб чиқарилган машина-ускуналар қурилиш майдонига келтирила бошланди. Совет мутахассислари олиб борган барча қидирув ишлари тугалланди.

Алеппо шаҳридан Фирот тўғонидаги қурилиш майдонига олиб борадиган темир йўл қурилмоқда.

(ТАСС).

УЧ ОЙЛИК ЖАНГЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ

ХАНОЙ. Жанубий Вьетнам Озодлик армиясининг жангчилари шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида душманнинг 80 мингдан ортиқ солдатини, шу жумладан, 45 минг америка солдати ва Вьетнамдаги агрессив урушда Америкага шерик бўлиб қатнашаётган мамлакатларнинг солдатларини сафдан чиқардилар ва асир олдилар. Ватанпарварлар 686 самолётни уриб туширдилар ва шикастлантирдилар, 2000 га яқин бронемашина ва 156 та артиллерия тўпини яксон қилдилар, шунингдек 30 ҳарбий кемани ботирдилар. (ТАСС).

СВАЗИЛЕНДНИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ

ЛОНДОН. Свазилендда янги конституция кучга кирди. Ана шу конституцияга мувофиқ, Англиянинг Африка жанубидаги протекторати ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини олди.

Король Собхуза II давлатнинг бошлиғи деб эълон қилинди.

Янги конституция кучга кириши арафасида Свазилендда қонун чиқарувчи мажлисга сайлов ўтказилди. Бу сайловда имбокодво партияси ғалаба қилди.

(ТАСС).

ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

УЛАН-БАТОР. Улуғ Октябрь шарафига меҳнат вахтасида ишлаш ташаббускори бўлган кончилар орасида Хотогор шахтасининг коллективи кўмир қазиб чиқариш ярим йиллик планини биринчи бўлиб бажарди.

Монголия шахтерлари меҳнат унумдорлигини ошириш, қазиб чиқариладиган кўмир таннархини камайтириш учун мувффақиятли кураш олиб бормоқдалар. «Налайха капитальная» шахтасида қазиб чиқарилган кўмир ўтган йилдагига нисбатан қариб икки баравар ортди.

ЖОН РИДНИНГ КИТОБИ ЭКРАНГА ОЛИНМОҚДА

ЛОНДОН. СССР халқ артисти режиссёр Г. В. Александров Лондонда ўтказилган матбуот конференциясида Америка журналисти Жон Риднинг «Дунёни титратган ўн кун» деган китоби юзасидан телевизион фильм тайёрлаш соҳасидаги ишлар қандай бораётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Бу фильмни Англиянинг «Гранада» телевизион компанияси ва совет телевидениеси ҳамда киносининг режиссёрлари, операторлари ва актёрлари биргаликда кинолентага олмоқдалар. Г. В. Александров «Гранада» телевизион студияси операторлари ва актёрлари бажарган ишлар билан, Англияда ва бошқа бир қанча мамлакатларда олинган киноленталар билан танишиб чиқмоқ учун Лондонга келган эди.

Бу кино асарда Владимир Ильич Ленининг образига алоҳида эътибор берилади.

Совет Иттифоқининг Сурия—Араб республикасига моддий ва техникавий ёрдам кўрсатиши ҳақидаги битимга мувофиқ Ефрат дарёсида гидротехника иншоотининг биринчи навбати қурилади. Латакия портига тўғон қурилиши учун юклар келтирилмоқда. Суратда: совет транспортларидан «Муром» ва «Киров» кемалари қурувчилар учун машина ва ҳар турли ускуналар келтиришди.

Л. Медведко фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Ўзининг турли дабдабали янгиликлари билан ном чиқарган Америка Қўшма Штатларида Ғарбий Европадаги янги (бу гал амалий фойдадан ҳоли бўлмаса ҳам) бир ажойибот тарқалди — бир кунлик қоғоз қийим тўғрисидаги шов-шувлар етиб келди. Ушбу суратда Ғарбий Германияда истиқомат қилувчи қиз ана шундай кўйлакни намойиш қилмоқда. Ҳозир уй-рўзғор буюмлари сифатида ана шу материалдан тайёрланган бошқа нарсалар — ошхўраклар, дастурхон, тарелка, стаканлардан фойдаланиб, дўстларини коктейль ичишга таклиф қилиш ва «ҳаммаси қоғоздан» деган оригинал меҳмондорчиликни намойиш этиш мумкин.

Кейстон—ТАСС фотоси.

ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

Кейинги икки йил ичида Вьетнам жанубидаги Америка қўшинларининг сони 425 минг кишига етказилди. Бу қўшин ҳар ҳафта икки-уч минг кишига кўпайиб бормоқда. АҚШ ҳукумати урушни эскалация қилиш бўйича тобора катта режаларни амалга ошириш билан бир вақтда, бу ҳаракатларни яшириш мақсадида музокаралар олиб бориш тўғрисидаги шов-шувларни ҳеч тўхтатмаётир.

АҚШ президенти Жонсоннинг президент Хо Ши Минга юборган мактуби (мактуб Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлиги томонидан 21 мартда эълон қилинди) Қўшма Штатлар ўтказаётган икки юзламачилик сиёсатининг яна бир тасдиғи бўлди. Америка босқинчилари Вьетнамда тобора кўп маглубиятга учраётган бир вақтда Жонсон ана шу мактубни юборди.

Америка агрессиясига қарши жаҳон халқларининг норозилик ҳаракати, америка раҳбар доираларидаги келишмовчиликлар, тобора ўсиб бораётган ҳарбий ва иқтисодий қийинчиликлар Жонсонни оғир аҳволга солиб қўйди.

Айни вақтда АҚШ ҳарбийлари урушни кенгайтира бориб, жамоатчилик фикрини чалғитишга уринаяптилар. Вьетнам Демократик Республикаси Вьетнам проблемасини тинч йўл билан ҳал қилишга бўлган интилишининг «белгиларини» энди кўрмаяпмиз деб, даъво қилаяптилар. Улар Америка бомбалари «тинч музокаралар»га таъсир кўрсатмайди, деб жамоатчиликни ишонтирмоқчи бўляптилар. Худди ана шу мақсадда ҳам улар Қўшма Штатлар билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасида қандайдир «махфий алоқалар» ўрнатилган, деган миш-миш гапларни тарқатдилар.

Юқорида тилга олганимиз Жонсоннинг Хо Ши Минга мактуби ҳам АҚШ олиб бораётган сиёсатнинг яна бир тасдиғидир. Даблабали сўзлар билан ёзилган бу мактубдан мустамлакачилик ҳиди анқиб турибди. Жонсон Вьетнамдаги уруш оқибатида ҳалок бўлган, ярадор бўлган кишилар ҳақида, бу уруш келтираётган қашшоқлик ҳақида гўё қайғургандай бўлади. Жонсон, Америка Қўшма Штатлари ва Вьетнам «тинчликка олиб борадиган йўлни жиддий равишда қидириб кўришдек қийин мажбурият»ни бажаришлари лозим, деб ёзади. Лекин худди шу Қўшма Штатлар жинсяткорона урушни бошлаб, Вьетнамни вайрон қилаётганликлари ҳақида лом-мим демайди.

Сўнгги вақтда АҚШ Вьетнам даги урушни янада авж олдириш учун қўшимча тадбирлар белгилади. Демилитаризация қилинган зонадан жанубқда ўрнатилган ва узоққа тўп отадиган қуроллардан фойдаланилди, 7-флотнинг ҳарбий кемаларидаги тўплардан Шимолий Вьетнамнинг қирғоқ бўйи районлари бомбардимон қилинди, унинг дарёларига миналар ташланди.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Ундан ташқари, Америка агрессорлари урушни кенгайтиришда янги бир хавфли иш бошладилар. Уларнинг самолётлари Шимолий Вьетнамдаги область ва саноат марказларини тўхтовсиз бомбардимон қилиб, ўққа тутиб турдилар. Яқинда Гуам ороллари Жонсон Америка олий ҳарбий қўмондонлиги вакиллари билан ўтказган сўнгги кенгашида ҳам Вьетнамнинг ҳар икки зонасида ҳарбий ҳаракатларни кучайтириш режалари тузиб олинди.

Вьетнам халқи тўла ғалаба қозонгунича Америка агрессорларига қарши курашни давом эттиришга қатъий қарор қилган. Хо Ши Миннинг Жонсонга юборган жавобида ҳам ана шу нарса равшан ифодаланган. Хо Ши Миннинг мактуби мустамлакачилик сиёсатини ва унинг қонхўрликларини, Америка босқинчиларининг вьетнам халқи олдидаги жиноятларини қатъий фош қилади. Америка империалистлари Вьетнам га қарши босқинчилик урушини авж олдириб, Женева битимларини қўпол равишда бузмоқдалар. Халқаро ҳуқуқ ҳамда эркинлик, адолат ва ахлоқнинг энг оддий принципларини ҳам менсимай ҳаракат қилмоқдалар.

Президент Хо Ши Мин ўз мактубида ҳақли равишда бундай деб ёзади: «Америка Қўшма Штатларининг ҳукумати Вьетнамда босқинчилик урушини келтириб чиқарди. У мазкур агрессияни тўхтатиши керак. Бу тинчлик ўрнатилишига олиб борувчи йўлдир».

Эндиликда Вьетнам халқи АҚШ ҳукуматидан Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни узил-кесил ва сўзсиз тўхтатишни, Жанубий Вьетнамдан ўзининг ва иттифоқдошларининг қўшинларини олиб кетишни, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтини тан олишни, вьетнам халқига ўз тақдирини ўзи белгилаш имконини беришни қатъий талаб қилаяпти. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати сиёсатининг асосий мазмуни ҳам худди ана шундай.

Пекининг советларга қарши қаратилган бузғунчилик сиёсати Шарқи-Жанубий Осиёдаги вазиятни мураккаблаштириб юборди. Лекин Хитойдаги воқеалар, Оқ уй ўйлаганидек, Вьетнамни ўз дўстларидан ҳеч қачон ажрата олмайди. улар мард вьетнам халқига ёрдам бериб келдилар ва бундан буён ҳам ўз ёрдамларини аямайдилар. «Совет Иттифоқи ўзи белгиланган йўлдан чекинганги йўқ, деб ёзди «Юманите», у Вьетнамга максимал даражада ёрдам бермоқда, унга қурол-яроғ, самолётлар, транспорт воситалари, автомашиналар етказиб бермоқда ва айни вақтда Америка агрессиясини тўхтатишга олиб бориши мумкин бўлган барча йўлларни қидириб кўрмоқда».

Америка Қўшма Штатлари ҳеч қачон қаҳрамон вьетнам халқининг иродасини бука олмайди!

Е. БЛОК.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар ишчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бугун кеч соат 5 да (Правда Востока кўчаси, 26-уй, 4-қават 105-хона) бўлади.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 апрелда

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшитиришлар программаси**, 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.15 — **Қизил елканлар** (ўсмирлар учун), 18.50 — **Инсон ва қонун**, 19.30 — **Оперетталар тарихидан** (Франц Зуппе ва Карл Миллёкер), 20.15 — **Байрам олди рекламаси**, 20.25 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.30 — **Телевизион янгиликлар**, 20.45 — **Дала меҳнатчилари байрам вахтасида** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 21.05 — **Адабиёт ва санъат** (тележурнал), 22.15 — **Телевизион бадиий фильм.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшитиришлар программаси**, 18.00 — **Сувда ва сув бўйида** (болалар учун), 18.20 — **Чизма геометрия** (сиртдан ўқиётган студентлар учун рус тилида ўқув программа), 19.15 — **Концерт** (Ўзбекистон композиторларининг камер асарлари).

19.45 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 28/IV да **Трубадур**, 29/IV да **Г. Измайловнинг ижодий кечаси.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28, 29/IV да **Сўнгги қурбон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа. **Москва цирки артистларининг гастроли ва Ҳиндистон филлари аттракциони.**

КИНО

Унутма... Луговая станцияси! — «МИР», «ДРУЖБА», (1 залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва 5 да).

Уни яхши билар эдим — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (2 залда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Жанобо олий офицерлари — НАВОИЙ номли, С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Йўлбарс нўрфази — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаммаси ёнимда, Ричард — «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз соат 1 ва 3 да).

Кеча, бугун, эртага — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Кавказ асираси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Кундузги: **юқори молекулали бирлашма, химия толалари технологияси, пахтани биринчи ишлаш, толали материалларнинг механик технологияси,** (тўқувчилик, ипак технологияси), **толали материалларнинг химик технологияси, тўқимачилик материалшунослиги, иқтисод, тўқимачилик саноатини ташкил этиш ва планлаштириш;**

сиртқи: **юқори молекулали химия бирлашмаси, иқтисод, тўқимачилик ва енгил саноатни ташкил этиш ва планлаштириш.**

Аризалар 25 майгача қабул қилинади.

Конкурсли кириш имтиҳонлари 15 июндан.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳар, 100, 2-Виборг кўчаси, 5 уй, телефонлар 5-03-26, 5-92-38.

«Союзтелефонстрой» трестининг

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Тошкентда ва Ўрта Осиё шаҳарларида ишлаш учун алоқа монтёрлари (кабелчилар, тармоқчилар, қалайловчи), машинистлар: **автокранчилар, «Э-153 автокранчилари**; Тошкентда ишлаш учун: **нормаловчилар, автослесарлар ва 4-5 разрядли электр пайвандчилари, ер қазувчилар, гишт терувчилар, дурадгорлар, моддий бўлим бухгалтери, машинистка**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-84, Энгельс кўчаси, 8-АТС ҳузурида (2-трамвай, 9-автобуснинг «Геологоразведка» остановкаси), телефон Б-8-16-16.

Тошкент область партия комитетининг партия ва касаба союз ташкилоти Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари А. С. Пономарёвга укаси

Иван Степанович ПОНОМАРЁВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 05353. Индекс 64970 А — 1847.